



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 август куни давлат фуқаролик хизматчиларининг ойлик иш ҳақи тизими ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Сўнгги йилларда давлат хизматида кадрларни танлаш, ишга жойлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб берган алоҳида қонун қабул қилинди. Давлат органларида бошқарув ходимларининг штат бирликлари 2016 йилдаги 73 мингдан 54 мингга мақбуллаштирилди.

Тақдиротда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида сақланиб қолаётган номуносибликлар таҳлил қилинди.

Бугунги кунда давлат хизматчилари иш ҳақи таркибида лавозим маошининг улуши 15 фоиздан ошмайди. Иш ҳақи фондининг 70 фоизгача қисmini ҳодимнинг аниқ натижага боғланмаган турли устам, муқофот ва рағбатлантирувчи тўловлар ташкил қилади.

Натижада бир хил лавозимда ва ўхшаш вазифаларни бажараётган ходимларнинг иш ҳақи ўртасида катта фарқ юзага келган. Айрим вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидаги ҳудуд шундай лавозим эгалари билан солиштирилганда тенглик принципларига амал қилинмаётгани қайд этилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Ақсарият давлат органларида қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича 50 дан ортиқ алоҳида норматив ҳужжат амал қилмоқда.

Шу боис, давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона, очиқ ва натижага асосланган тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

► Давоми 2-бетда

КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Кадастр агентлиги фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматларни соддалаштириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Сўнгги икки йилда 1 миллион 200 мингдан ортиқ кўчмас мулк объекти хатловдан ўтказилди. Натижада қўшимча 16,5 минг гектар ер ва 49 миллион квадрат метр қурилиш майдони аниқланди.

Аниқланган объектларнинг 270 мингтаси кадастр базасига киритилиб, бюджет учун йилгига 315 миллиард сўмлик қўшимча солиқ базаси яратилди. Кадастр хизматларининг 90 фоизи онлайн шаклда кўрсатишмоқда.

Шу билан бирга, соҳада аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кадастр хизматларидан фойдаланиш бўйича 1 миллиондан ортиқ ариза келиб тушган бўлса, уларнинг 330 мингтаси ёки 30 фоизи рад этилган. Яъни амалда ҳар учта аризадан биттаси қаноатлантирилмаган.

Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашига, масаласини ҳал қилиш учун яна бошқа идора ёки шахсларга

муурожаат этишига сабаб бўлиб, коррупциявий хавфларни ҳам кучайтирмоқда.

Хизматларни рақамлаштириш жараёнида барча қарорларни марказлашган тартибда қабул қилиш амалиёти шаклланиган ҳам аҳоли учун ортиқча тўсиқларни юзага келтирган.

Хусусан, нотураб объект тоифасини ўзгартириш учун вилоят ёки республика даражасидаги ташкилот розилиги талаб қилинмоқда. Битта масалани ҳал қилиш учун фуқаролардан бир неча марта ариза топшириш ва ҳар бир ариза учун алоҳида тўлов қилиш сўралмоқда.

Масалан, битта ҳовлини ака-ука ўртасида бўлиш учун тўртта, битта меросни уч қисмга ажратиш учун эса олтига ариза талаб қилинади. Битта ариза туман, вилоят ва республика даражасида 30-50 та босқичда кўриб чиқилиб, жараён ўртача 15-20 кунга чўзилмоқда.

► Давоми 2-бетда



“САМАРҚАНД – 2028” СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИ ОРБИТАГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида космик фаолиятни мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишларидан бири сифатида қайд этар экан, миллий сунъий йўлдошлар гуруҳини яратиш ва Ўзбекистоннинг биринчи фазогирини орбитага чиқариш бўйича ишлар бошланганини маълум қўйилмоқда. Хусусан, Хитой Халқ Республикасининг Haiyang шарқий космодромидан STAR.VISION компаниясининг “Ўзбеккосмос” агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Самарқанд – 2028” Ерни масофадан зондлаш сунъий йўлдоши орбитага чиқарилмоқда.

► Давоми 2-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШИДДАТЛИ ЭВРИЛИШ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР МАНЗИЛИ

“Янги Ўзбекистон” газетаси ижодий жамоасининг янги лойиҳаси давом этади. Навбатдаги манзил водийнинг яна бир сўлим гўшаси – Наманган вилояти!

Яхши биласиз, “Янги Ўзбекистон: шиддатли эврилиш ва реал натижалар манзили” лойиҳаси орқали мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришларни ҳолис таҳлил қилиб, қисқа вақт ичда яратилаётган улкан тарихий натижалар моҳиятини очиб беришни мақсад қилганимиз.

Лойиҳамиз доирасида дастлаб Қорақалпоғистон, ундан кейин эса Фарғона вилоятидаги янгиланишлар, кейинги ўн йилда ушбу ҳудудларда кузатишган ижтимоий-иқтисодий юксалишлар ҳақида қатор таҳлилий мақолалар тайёрланиб, газетамизнинг махсус сонларида чоп этилган эди.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг ижодий жамоаси лойиҳа мақсадига мувофиқ, Наманган вилоятининг олис қишлоқларидаги ўзгаришлар, шаҳарларнинг янгиланган қиёфаси билан яқиндан танишди. Зиёлилар, ёшлар, фаоллар ва оддий инсонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларига қулоқ тутди. Шу асосда реал ҳаётий ҳикоялар орқали ислохотлар кўламини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Таҳририят ижодий жамоасининг ишбилармон, удадуброн ва меҳмондўст наманганликлар билан учрашувлари ёрқин таассуротлар ҳамда эсда қоларли воқеаларга бой кечди. Аввало, азалдан ҳунармандчилик ва илм-маърифат маскани бўлган бу замин вакиллари билан самимий мулоқот давомида катта ҳаётий ҳикматларни ўқдик. Мамлакатимиздаги изчил ислохотларнинг ана шу меҳнаткаш ва дарёдил инсонлар ҳаётидаги амалий натижасини кўриб, кўнглимиз фаҳрга тўлди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли қисқа фурсатда катта тарих яратилди. Хусусан, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйишга қаратилган кўламдор ислохотлар таъсири чекка қишлоқлар, маҳалалар ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Наманган вилояти аҳолиси ҳам ушбу ижодий ўзгаришлар жараёнини бевосита ўз кундалик турмушида ҳис этиб, бутунидан рози ҳолда эртанги кунга катта ишонч билан қарамоқда.

Ҳудудда амалга оширилаётган жадал янгиланишлар ва аҳолининг фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини ҳолис таҳлил қилиш мақсадида Сиз, азиз муштарийларга ушбу сонда бир қатор таҳлилий мақолаларни ҳавола этмоқдамиз.

Ўрганишлар давомида аён бўлдики, газета саҳифаларида Намангандаги барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва эришилаётган кўрсаткичларни тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқ. Шу сабабли ижодий жамоамиз асосий эътиборни ҳудуд ривожини белгилаб бераётган энг муҳим соҳалар ва улардаги стратегик натижаларни ёритишга қаратди. Ушбу тайёрланган таҳлилий мақолалар тўплами Наманган вилоятида кечаётган ўзгаришларнинг реал суръати ва кўламини аниқ, атрофича англашга хизмат қилади деб умид қиламиз.

Таҳририят

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНСОН КАПИТАЛИ: НАМАНГАН КЕЛАЖАКНИ ҚАНДАЙ БАРПО ЭТМОҚДА?

Наманган вилояти ҳокими Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

Замонавий ривожланиш шиддати ҳар бир ҳудуддан эскича ёндашувлардан воз кечиш ва янгича иқтисодий моделга ўтишни талаб этмоқда. Бир пайтлар иқтисодий қийинчиликлар гирдобиди қолган, давлат дотацияси ҳисобидан кун кўрган Наманганда бутун амалга оширилаётган ислохотлар кўлами шу қадар каттаки, аҳоли ҳаётидаги аниқ ўзгаришлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва йирик инфратузилма лойиҳалари кундан кунга яхшиланиб, кенгайиб, тараққий этиб бормоқда. Ҳудудда саноат ва экспорт ҳажмининг кескин ошиши, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқимининг кенгайиши ҳамда аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги юқори босқичга кўтарилгани вилоятни нафақат Фарғона водийси, балки бутун мамлакат микросидаги етакчи драйверлардан бирига айлантирмоқда.

Шу билан бирга, транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш, Наманган халқаро аэропорти негизига замонавий терминал ва қаро марказини барпо этиш орқали ҳудуднинг келажақдаги рақобатбардошлигига мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Энг муҳими, бу жараёнларнинг марказида одамларга муносиб иш ўринлари ва юқори даромад манбаини яратиш, уларнинг турмуш даражасини оширишдек аниқ ва мақсадли вазифалар ётибди.

Барча жабҳаларда юксак салоҳияти ва бебаҳо имкониятларини намойиш қилаётган вилоятда кечаётган ана шу ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, инвестициявий ва инновацион истиқболлари ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган устувор режаларни атрофича ва ҳолис таҳлил қилиш мақсадида “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов билан суҳбат уюштирди.

— Шавкат Шокиржонович, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар Наманган вилоятида қандай

ўзгаришларни юзага чиқарди? Вилоят ривожланишида энг катта ютуқ сифатида нималарни қайд этган бўлардингиз?

— Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар Наманган вилояти тараққиётида мутолқа янги босқични бошлаб берди. Энг муҳими, ҳудудларни ривожлантиришга оид ёндашув тубдан ўзгарди — ҳар бир туман ва шаҳарнинг иқтисодий салоҳияти, аҳолининг эҳтиёжи ва ташаббуслари асосий мезонга айланди. Бу эса инвестициялар жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда аниқ натижалар бермоқда. Агар мен энг катта ютуқни қайд этадиган бўлсам, бу — Наманганда иқтисодий фаоллик ва одамларнинг ўз кучи, ташаббуси билан даромад топиш имкониятлари кенгайганидир. Сўнгги йилларда вилоятда минглаб янги корхоналар ташкил этилди, саноат ишлаб чиқариши бир неча баробар ўсди, инвестиция муҳити сезиларли даражада яхшиланди. Бугун Наманган нафақат Фарғона водийси, балки республикада саноат, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича етакчи ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Энг асосийси, барча ислохотларнинг марказида инсон манфаати турибди. Биз учун ҳар бир инвестиция лойиҳаси, ҳар бир қурилиш ёки ишлаб чиқариш объекти, аввало, аҳоли фаровонлиги, бандлиги ва ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилиши керак. Шу таъминдан келиб чиқиб, Наманган вилоятида бошланган ислохотларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича ишларни изчил давом эттирмоқдамиз.

— Наманган халқаро аэропортининг янги терминали нафақат вилоят, балки бутун Фарғона водийси учун стратегик аҳамиятга эга. Ушбу лойиҳа ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги, туризм ва экспорт салоҳиятига қандай таъсир кўрсатади?

— Наманган халқаро аэропортининг янги терминали янги Ўзбекистоннинг очик иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш сиёсатида муҳим стратегик лойиҳалардан бири. Ушбу терминал Наманган вилоятининг халқаро транспорт ва логистика имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, Фарғона водийсининг ташқи дунё билан алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Қиймати 150 миллион долларлик “Наманган халқаро аэропорти негизига халқаро терминал барпо этиш” ҳамда қиймати 100 миллион долларлик мазкур “Халқаро аэропорт негизига қарго логистика хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш” лойиҳаларида қурилиш-обodonлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Лойиҳани фойдаланишга топшириш натижасида аэропорт қиёфаси тубдан ўзгариш бариборида йўловчи ташиш қуввати 2,5 баробар ошади. Шунингдек, хизматлар сифати ҳам жаҳон стандартларига мос бўлади. Кунига 50 тонна юкни қайта ишлаш имконияти яратилиб, ушбу мажмуа орқали 90 та мамлакатга экспорт қилинади ва водийда ягона қарго тизими йўлга қўйилади.

Энг аввало, бу лойиҳа вилоятнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади. Чунки ҳар қандай инвестор ҳудуднинг транспорт инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратади. Замонавий аэропорт хорижий инвесторлар ва бизнес вакиллари билан катта туристик салоҳиятга эга. Янги терминал халқаро авиақатновлар географиясини кенгайтириш орқали хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга, ички туризмни ривожлантиришга ва хизматлар соҳасида янги иш ўринлари яратишига замин бўлади.

► Давоми 3-бетда

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Янги тизим билан 54 минг нафар давлат хизматчисини қамраб олиш кўзда тутилган. Давлат органлари миллий, республика, ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар даражаларига, ходимлар эса бажарадиган вазифаларига қараб маъмурий бошқарув, асосий ва қўллаб-қувватлаш гуруҳларига ажратилади.

Халқаро тажриба асосида 11 та разряд ва 6 та поғонадан иборат янги иш ҳақи сеткасини жорий этиш таклиф қилинди. Ўндан ортиқ устама ва муқофотлар ўрнига учта асосий рағбатлантириш тўлови жорий этилади.

Жумладан, малака даражаси, ходимнинг функционал вазифаларни бажариши, ижро

ва меҳнат интизоми, ташаббускорлиги асосида баҳоланадиган самарадорлик кўрсаткичлари — КРП учун устама тўланади.

Шунингдек, муҳим ва мураккаб вазифаларни бажарган, инновацион ёндашувларни жорий этган ҳамда юқори натижа кўрсатган ходимларга ҳисобот даври яқунлари бўйича бонус тўловлари бериш назарда тутилмоқда.

Ҳудудий бошқармалар ходимларининг иш ҳақи тегишли ҳокимликлардаги ўхшаш лавозимлар маошидан юқори бўлмайди. Туман ва шаҳарларда иш ҳақи ҳамда штат бирликларини белгилашда аҳоли сони ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Энг муҳими, ҳар бир давлат хизматчиси иш ҳақи қандай шаклланиши, қайси натижа

учун устама ёки бонус олишини олдиндан билади. Бу ходимларнинг самарадорлиги, ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида адолат ва шаффофликни таъминлаш, иш ҳақини ходимнинг малакаси, масъулияти ҳамда эришган натижалари билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, бонус тўловлари ходимнинг илгор ахборот технологияларини, жумладан, сунъий интеллект, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштиргани, тажриба ва малакасини оширгани каби аниқ мезонлар асосида тўланиши белгиланди.

ЎЗА

КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Тақдимотда агентликнинг бошқарув тузилмаси ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Ҳозирда туман ва вилоят даражасида Кадастр агентлиги ҳамда Кадастр палатасининг алоҳида ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлиб, тизим амалда иккита раҳбар томонидан бошқарилмоқда.

Тизимдаги ходимларнинг 56 фоизини раҳбар ва назоратчилар, 44 фоизини эса бевосита ижрочилар ташкил этади. Ишга қабул қилиш жараёнларининг мураккаблиги сабабли 700 дан ортиқ иш ўрни вакант қолмоқда. Ходимларнинг 40 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти.

Тизимдаги ходимларнинг 56 фоизини раҳбар ва назоратчилар, 44 фоизини эса бевосита ижрочилар ташкил этади. Ишга қабул қилиш жараёнларининг мураккаблиги сабабли 700 дан ортиқ иш ўрни вакант қолмоқда. Ходимларнинг 40 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти.

Қолаверса, вилоят даражасидаги раҳбарларга туман бўлинмалари раҳбарларига нисбатан интизомий чора кўриш ваколати берилмаган. Натижада ижрочи ходимларнинг иш юкласи ортиб, меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси пастигича қолмоқда.

Шу боис, кадастр хизматларини босқичма-босқич қуйи бўғинга тушириш ва

ҳудудий бўлинмаларнинг ваколатларини кенгайтириш таклиф қилинди.

Республика даражасида ишлаётган ходимларнинг камида 30 фоизини туманларга ўтказиш, республика, вилоят ва туман даражасидаги Кадастр палатаси ва хизмат кўрсатиш тузилмаларини бирлаштириш назарда тутилмоқда. Бу орқали ҳудудий бўлинмаларнинг мустақиллиги ва масъулияти оширилади, хизматлар фуқароларга яқинлаштирилади.

Тузилмавий ўзгаришлар жараёнида аҳоли сарсон бўлмаслиги учун бир ҳафта муддатда “Кадастр маслаҳат бурчаги” ва “Тезкор кадастр” хизматларини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Агентлик фаолиятини “битта ариза — битта тўлов” тамойили асосида ташкил этиш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Янги тартибга кўра, кўчмас мулкка ҳуқуқ пайдо бўлганида ариза автоматик равишда шакллантирилиб, проактив хизмат кўрсатилади. Бу орқали бир йилда 1 миллион 200 минг нафар аризачининг вақти ва маблағи тежалди. Кадастрга оид барча хизматларни

битта ариза асосида кўрсатиш йўлга қўйиб, йилга 200 мингта ортиқча ариза қисқартирилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш жараёни тўлиқ онлайн шаклга ўтказилади. Натижада йилга 500 мингта аризани амалдаги 10-15 кун ўрнига бир неча сонияда рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилади.

Жумладан, ноқонуний қурилиш ихтиёрий равишда бартараф этилганда жавобгарликни енгиллаштириш таклиф қилинди. Шунингдек, кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатда ариза берилмаган ҳолатда биринчи марта жарима ўрнига огоҳлантириш бериш назарда тутилмоқда.

Мутасаддиларга хизматларни соддалаштириш, ортиқча босқич ва тўловларни қисқартириш, қарор қабул қилиш ваколатларини қуйи бўғинга тушириш ҳамда соҳа ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

МАҲАЛЛАЛАРДА ОБОДЛИК МАДАНИЯТИ ВА НАФАСИ



Худудлар ҳаёти

Мамлакатимизда маҳаллалар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли учун янада қулай ва фойдали муҳит яратиш, ҳар бир ҳудудга ободлик нафасини олиб кириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Шу мақсадда “маҳалла еттилиги” фаолиятини мутлақо янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш, жойларда ободликни таъминлаш, фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва энг яхши тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган қатор муҳим вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан, “Энг ораста хонадон”, “Энг фойдали ҳовли”, “Энг обод кўча” ҳамда “Энг намунали маҳалла” каби номинациялар жорий этилиб, ғолиблар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш, намунавий фаолият юритган “маҳалла еттилиги”ни муносиб тақдирлаш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Мазкур ташаббус ҳудудларни янада обод ва кўркем қиёфага келтириш баробарида аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлаш ҳамда мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган муҳим амалий ҳаракатга айланди.

Айниқса, темир йўл атрофини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.



Ирода ҚўЧҚОРОВА,
Наманган вилояти ҳокими
маслаҳатчиси

Жумладан, Наманган вилоятининг турли маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи темир йўл атрофида кенг қўламли ишлар

бажарилди. Ноқонуний қурилмалар бартараф этилди, чиқиндилар тозаланди, дарахт ва буталар парваришланиб, ҳудуд тартибга келтирилди. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида тозалик ва экологик маданиятни мустақамлашга қаратилган тарғибот тадбирлари ҳам ташкил этилди. Кўчалар тартибга келтирилиб, йўл чети бетонлаштирилди. Ички кўчалар, жамоат жойлари, қабристонлар ва зиёратхоналар ободонлаштирилиб, атроф-муҳит янада кўркем қиёфа касб этди.

“Ойлик давомида аҳоли билан ўтказилган учрашувлар ва тарғибот ишлари ҳам диққатга сазовор. Фуқароларга тозалikka амал қилиш, чиқиндиларни белгиланган жойларга ташлаш, яшил ҳудудларни асраш ва маҳалла ободлигига дахлдорлик билан ёндашиш бўйича тушунчалар берилди. Бу эса, ўз навбатида, экологик маданиятнинг янада юксалишига хизмат қилди.

Эътиборлиси, ушбу тадбирлар фақат бир марталик ҳашар эмас, балки аҳоли ўртасида ободлик маданиятини шакллантиришга қаратилган муҳим ижтимоий ҳаракатга айланди. Одамларнинг бир мақсад атрофида бирилашиб меҳнат қилиши ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳроқибат муҳитини янада мустақамлади. Зотан, обод маҳалла фаровон ҳаёт гаровидир. Наманган вилоятида ҳам бундай ишларнинг қамрови кенг, салмоғи катта. Муҳими, ҳудуд аҳли баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, ободликни ўз хонадонидан ва маҳалласидан бошламоқда.



“САМАРҚАНД – 2028” СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ ОРБИТАГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбеккосмос” агентлиги муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект модули ушбу сунъий йўлдош таркибига интеграция қилинган бўлиб, унинг учурилиши мамлакатимиз тарихидаги энг йирик халқаро космик лойиҳа бўлиб, соҳа ривожига янги босқични бошлаб беради. Мазкур технология сунъий йўлдош томонидан олинган маълумотларни бевосита орбитанинг ўзида қайта ишлашга хизмат қилади. Натижада узатиладиган маълумотлар ҳамжи сезиларли даражада қисқаради, маълумотларни олиш тезлашади ҳамда кейинги таҳлил жараёнининг самарадорлиги янада ошади.

“Самарқанд — 2028” миссияси қишлоқ хўжалиги, экология, табиий ресурсларни мониторинг қилиш, сув ресурсларини бошқариш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шаҳарсозлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа стратегик йўналишларида космик технологияларни қўллаш учун янги имкониятларни яратди. Шу билан бирга, лойиҳа космик муҳандислик, сунъий интеллект ва сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш соҳаларида мамлакат салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Миссияга алоҳида рамзий мазмун бағишланган жихатлардан бири сунъий йўлдошнинг “Самарқанд — 2028” деб номланишидир. Ушбу ном бежиз танланмаган. 2025 йилда Сидней шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро астронавтика конгресси давомида Самарқанд шаҳри бир овоздан

2028 йилда бўлиб ўтадиган 79-Халқаро астронавтика конгресси мезбони этиб сайланган эди. Бундан ташқари, мазкур ном чуқур тарихий маънога ҳам эга. Самарқанд асрлар давомида дуненинг йирик илм-фан, астрономия ва маърифат марказларидан бири бўлиб келган. Айнан шу заминда XV асрда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ўз даврининг энг мукаммал астрономик расадхоналаридан бирини бунёд этган. Бугун эса Самарқанд яна бир бор ҳамки космик тарихининг муҳим қисмига айланмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ном мамлакатимизнинг бой илмий мероси билан замонавий космик технологияларни боғловчи рамздир.

Шубҳасиз, мазкур ютуқларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган очиклик сиёсати, изчил ислохотлар ҳамда илм-фан, инновациялар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган стратегик сиёсат самарасидир. Айнан шундай ёндашув Ўзбекистон космик тармоғини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқди ҳамда жаҳон миқёсидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун мустахкам замин яратди. Энг муҳими, бу каби йирик лойиҳалардаги иштирок “сирли осмон тоқи” сари қўйилган навбатдаги қадам ўлароқ, мамлакатимизнинг замонавий дунёда ортиб бораётган ўрни ва нуфузининг яққол намоёни бўлмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АЗМУ ШИЖОАТИМИЗ, ШАШТИМИЗ СЎНМАСДИР

Ўзбекистонда энг тез тараққий этаётган, ривожланиш суръатидаги шиддат бошқаларга нисбатан кучли кечаётган вилоят, шубҳасиз, Намангандир. “Наманганлик бўлганингиз учун сизга шундай туюлаётгандир, эҳтимол, аввал бошқа вилоятларга ҳам қараб, ижтимоий-иқтисодий факторларни солиштириб, кейин гапиринг”, дейишга шошилманг.




Мулоҳаза

Тўғри, кейинги ўн йилликдаги тарихий янгиланиш жараёни, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар ҳеч бир соҳа ёки тармоқ, ҳудудларни четлаб ўтгани йўқ. Инсон қадрини улуғлашга йўғрилган ислохотлар самарасида шаҳарлардан тортиб, энг чекка қишлоқларгача янги ҳаёт нафаси кириб бораётгани, одамларнинг турмуш тутумлари, тафаккури ўзгараётгани, фаровонлиги ошаётгани айна ҳақиқат.

Нима учун унда айнан Наманган? Чунки бу ҳудуд азалдан меҳнаткаш, тадбиркор ва яратувчан инсонлари билан танилгани ҳолда яқин-яқингача аграр тармоққа ихтисослашган, улкан имкониятларга эга бўлишига қарамай, ўзини ўзи тўлиқ таъминлай олмайдиган, дотацияда ўтирадиган энг қолоқ вилоятлардан бири эди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мудроқликдан уйғониш, вазиятни ўнглаш, жамиятни ҳаракатга келтириш йўлида бошланган янгиланишлар эпкинни бу замин учун янги имкониятлар, катта бунёдкорликлар ва иқтисодий юксалишни олиб келди. Ислохотлар натижасида вилоятнинг sanoat, инвестиция, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳалари ривожига мутлақо янги босқич бошланди.

Бугун Наманган ишбилармонлик муҳити, экспорт салоҳияти ва хусусий ташаббуслар жадал ривожланиётган вилоят сифатида эътироф этилмоқда. Илгари инфратузилма билан боғлиқ кўплаб масалалар бор эди. Улар босқичма-босқич бартараф этилди. Янги sanoat зоналари



Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси Наманган
вилояти бўлими раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ташкил қилинди, юзлаб инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Наманганликлар учқур от жиловини тутган чопагонга ўхшайди. Йўлини кўрсатсангиз, маррасини айтмасингиздан, ўша манзилда бўлади. Бунга ҳар бир наманганлик ҳаётидаги фаровонликда, вилоят ҳаётига доир иқтисодий рақамларда кўриш, кузатиш мумкин, албатта.

Тадбиркорликдан қиёс. 2025 йил яқунлари бўйича вилоят ялли ҳудудий маҳсулоти 8,2 фойз ўсиб, 85,4 триллион сўмдан ошган бўлса, унда кичик бизнеснинг улуши 73,6 фоизни ташкил этди.

Тасаввур қилиясизми?! Ўн йил олдин, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани туфайли деярли ҳеч вақоси бўлмаган, республикадан бериладиган ёрдамни кутадиган вилоятда тадбиркорлик қандай шиддат билан ривожланди!

Бундан беш йил олдин — 2021 йилда вилоят ялли ҳудудий маҳсулоти ҳажми 42 триллион сўм эди. Шу қисқа вақт оралиғида ҳудуд иқтисодиёти икки баробардан зиёд кенгайди. Бунда, албатта, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бу йўлда тақдим этилаётган имтиёзлар, яратиб берилаётган шароитлар, умуман, кичик бизнеснинг аҳамияти бекиёс. Масалан, ўтган йили вилоятда аграр сектор 4,4 фойз ўсган бўлса, бу кўрсаткич хизматлар соҳасида 15,5 фоизни, қурилишда

10 фойздан ортиқни ташкил этгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Асосийси, ислохотлар натижаси, аввало, наманганликлар ҳаётида намоён бўлмоқда. Барча соҳа ва йўналишлардаги бунёдкорлик ишлари ҳисобот учун эмас, халқни рози қилиш мақсадида бажарилапти. Бунга юқорида айтганимиз — тадбиркорлик ривожига мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, соҳа ривожига нафақат иқтисодий, балки ижтимоий функцияни ҳам бажармоқда. У аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш, савдо, хизматлар, ишлаб чиқариш ва экспортни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

2025 йил яқунларига кўра, вилоятда 34,8 мингта кичик корхона ва микрофирма фаолият кўрсатган бўлса, шундан фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмганда, 5,9 мингтаси янгидан ташкил этилган. Вилоятдаги банд аҳолининг қарийб 82 фоизи ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Ҳа, Наманган вилояти кейинги йилларда жадал ривожланмоқда. Аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида янгидан янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари, кичик sanoat зоналари, ГЭС ва сув иншоотлари, равон йўллар, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилмоқда.

Вилоятимизнинг кейинги йиллардаги мисли қўрилмаган ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан барча наманганликлар каби кекса авлод вакиллари ҳам мамнун. Улар мазкур жараёнинг фаол иштирокчиси эканидан куч олмоқда.

Кези келганида айтиш жоиз, вилоятимизда 336 мингдан зиёд пенсия ва нафақа олувчи, ёшга доир 273 минг пенсионер, ўзгалар парвариришга муҳтож 1901 кекса ва 235 нафар уруш орти меҳнат фахрийси бор, улар тўлиқ ижтимоий ҳимояга олинган.

Ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни обод қилишда нуронийларимизнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланяпмиз. Бунда мунтазам ўтказиб келинаётган “Уч авлод учрашуви” тадбирлари, “Бир нуроний — ўн ёшга масъул” ва “Нуроний — ҳар бир оилага масъул” лойиҳалари қўл келяпти.

Бугун замонимиз бир оз нотинч, гео-сиёсий ва геониктисодиёт нуктан назардан олганда, вазият мураккаб. Шундай бир шароитда янги Ўзбекистон катта мақсадларни қўзлаб, манзил сари дадил, мувозанатини йўқотмай, шакт билан бормоқда. Қўзланган мақсадларга эришиш барчамизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз, ҳамжиҳатлигимиз, фидойилигимиз, азму шижоатимизга боғлиқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ
ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНСОН КАПИТАЛИ:
НАМАНГАН КЕЛАЖАКНИ ҚАНДАЙ БАРПО ЭТМОҚДА?

2026 йил 5 август, 157-сон

Бошланиши 1-бетда

Учинчидан, экспорт имкониятлари ҳам янги босқичга чиқади. Наманганда тўқима-чилик, тайёр кийим-кечак, мева-сабзавот ва бошқа рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Замонавий аэропорт тезкор логистика имкониятларини кенгайтириб, экспорт қилувчи корхоналар учун ташқи бозорларга чиқишни янада оsonлаштиради. Бу эса маҳсулотларнинг рақобатбардoshлигини ошириш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришда кўл келади.

— Наманганда илм-фан, стартаплар ва инновацияларни ривожлантириш бўйича қандай янги ташаббуслар режалаштирилган?

— Бугунги кунда ахборот технологиялари, хусусан, сунъий интеллект ҳудудлар тараққиётини белгилаб бeрyвчи энг муҳим омиллардан бирига айланган. Биз учун бу соҳа вилоят иқтисодийётини янги босқичга олиб чиқувчи, ёшларимиз учун юқори даромадли иш ўринлари яратувчи ва бошқарув самарадорлигини оширувчи стратегик устувор йўналишидир.

Ушбу соҳа мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва давлат сиёсатининг марказий масалаларидан бирига айланган. Бунинг яққол исботи — Президентимизнинг жорий йилининг 23 июль куни вилоятимизга ташрифи чоғида Наманган давлат техника университетида ташкил этилган Сунъий интеллект лабораторияси ҳамда “Наманган ақлли шаҳар вазиятлар маркази” фаолияти билан яқиндан танишганидир. Мазкур мажмуа Наманган вилояти ҳокимлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Аскабанк ҳамкорлигида барпо этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, лаборатория энг сўнгги русумдаги сунъий интеллект технологиялари — юқори қувватли серверлар ва замонавий ҳисоблаш машиналари билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда катта маълумотлар таҳлили (Big Data), рақамли эгизак (Digital Twin), геоахборот тизимлари (GIS) ва интеллектуал қарор қабул қилиш воситаларидан кенг фойдаланилади. Марказ сунъий интеллект ва робототехника, энергетика, транспорт ва логистика, архитектура ва қурилиш, рақамли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва экология каби 10 дан ортиқ йўналишнинг ягона илмий-амалий муҳитда бирлаштиради. Биз ушбу лабораторияга вилоятдаги барча инновацион лойиҳалар учун бошланғич нуқта — таълим, илмий тадқиқот, технологиялар трансфери ва стартапларни ривожлантиришни ўзидан бирлаштирган замонавий экотизим сифатида қараймиз.

Ташриф давомиди давлатимиз раҳбарига лаборатория негизидида ишлаб чиқариладиган бир қатор лойиҳалар тақдим этилди ва улар Президентимиз томонидан маъқуланлиб, эътирофга сазовор бўлди. Хусусан, хотин-қизларимизни етакчилик кўникмаларига ўқитишга қаратилган “Digital Imkon” ижтимоий лойиҳаси, сунъий интеллект ва сунъий йўлдош тасвирлари асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган “AgroAI” лойиҳаси ҳамда миллий ва маданий меросимизни асраб-авайлашга хизмат қилувчи GameDev йўналишидаги лойиҳалар шулар жумласидир. Мамнуният билан айтишми мумкинки, ушбу лойиҳаларнинг барчаси бўйича амалий ишлар алақачон бошлаб юборилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги “Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Мазкур қарорга мувофиқ ҳар йили “Энг инновацион гоё” республика танлови ўтказилиб, голибларга 100 миллион сўм миқдоридида грант ажратилади, “Олийгоҳлар — стартаплар генератори” дастури доирасида ҳар бир лойиҳага 20 минг долларгача инвестиция қиритиш имконияти яратилади, “Рақамли стартаплар” дастури ишторикчиларига эса АТ-парк резиденти мақоми бeрилади. Айнан сунъий интеллект лабораторияси ушбу қарор ижросида вилоятимиздаги стартаплар учун бошланғич майдонча вазиасини бажаради. Бу ерда иктидорли ёшларимиз ва талабаларимиз ўз гоёларини профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислар кўмагида амалий лойиҳаларга айлантириш, замонавий ускуналарда синовдан ўтказиш ҳамда инвесторларга тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Ишончим комилки, яратилаётган ушбу шароитлар туфайли Наманган вилояти яқин келажакда мамлакатимизнинг сунъий интеллект ва инновациялар соҳасидаги етакчи ҳудудларидан бирига айланади.

— 2030 йилга назар ташлайдиган бўлсак, сиз вилоятни қайси кўрсаткичлар бўйича мамлакатнинг етакчи ҳудудларидан бири сифатида кўришни мақсад қилгансиз? Бу мақсадга эришиш учун энг асосий омил нима?

Наманган вилояти ҳоқими Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

— Биз 2030 йилгача бўлган тараққиёт стратегиямизда Наманган вилоятини иқтисодий қудрати, инвестициявий жозибадорлиги, саноатлашув даражаси, экспорт салоҳияти, замонавий инфратузилмаси ва аҳоли турмуш сифати бўйича мамлакатнинг етакчи ҳудудлари қаторида кўришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун олдимизга аниқ вазифалар қўйилган. Аввало, юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларини кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Рақамли иқтисодийётни ривожлантириш, логистика имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳам устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бироқ менинг назаримда, энг асосий кўрсаткич иқтисодий рақамлар эмас, балки инсон капиталидир. Агар аҳолимиз билимли, замонавий касб-хунарга эга, тадбиркорлик руҳи кучли ва ўз келажигаги ишончи мустаҳкам бўлса, бошқа барча натижаларга ҳам албатта еришамиз. Шу боис, таълим сифати, соғлиқни сақлаш, ёшлар бандлиги, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги ва аҳолининг даромадларини оширишга қаратилган ишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида туради.

Энг асосий омил эса Президентимиз раҳбарлигида олиб бoриладиган ислохотларни ҳудудларда самарали амалга ошириш, давлат идоралари, тадбиркорлар ва аҳолининг ўзарo ҳамжиҳатлиги ҳамда масъулиятидир. Чунки тараққиёт жамиятининг барча қатламлари бир мақсад йўлида ҳаракат қилгандагина барқарор бўлади.

Ишонаманки, Наманганнинг меҳнаткаш ва ташаббускор халқи, бой иқтисодий салоҳияти ҳамда кенг кўламли ислохотлар натижасида 2030 йилга бoриб вилоятимиз нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам инвестиция, саноат, экспорт ва инновацион ривожланиш бўйича рақобатбардosh ҳудудлардан бирига айланади. Бу бизнинг энг катта мақсадимиз ва шу йўлда барча имкониятларни сафарбар этишимиз.

— Бугун ҳудудлар ўртасида инвестиция учун рақобат қучаймоқда. Инвесторлар айнан Наманганни танлаши учун қандай шароитлар яратилмоқда?

— Бугунги кунда инвестиция учун рақобат жуда кучли. Энди инвесторни фақат имтиёзлар билан эмас, балки ишончли муҳит, замонавий инфратузилма, тезкор бошқарув ва қафолатланган ҳамкорлик билан жалб



- *Хитой Халқ Республикасида*н қиймати 6,2 миллиард долларлик 76 та лойиҳа доирасида 2,9 миллиард доллар;
- *Туркия ва Озарбайжондан* қиймати 1,5 миллиард долларлик 21 та лойиҳа доирасида 702 миллион доллар;
- *Россия Федерациясидан* қиймати 916 миллион долларлик 23 та лойиҳа доирасида 405 миллион доллар;
- *Япониядан* қиймати 640 миллион долларлик 5 та лойиҳа доирасида 327 миллион доллар;
- *Австриядан* қиймати 96 миллион долларлик 3 та лойиҳа доирасида 35 миллион доллар ўзлаштирилди.

Аввало, ҳар бир инвестиция лойиҳаси билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилган. Инвесторга ер ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, русхатномаларни расмийлаштириш ва бошқа ташкилий масалаларда давлат идоралари томонидан комплекс кўмак кўрсатилмоқда. Бизнинг ёндашувимиз оддий: инвестор вақтини ҳужжат-бозилка эмас, бизнесини ривожлантиришга сарфлаши керак.

Иккинчидан, Наманганнинг ўзига хос рақобат устуниликлари мавжуд. Бу, энг аввало, меҳнатсевар ва малакали кадрлар, қулай географик жойлашув, ривожланаётган

мамлакатимизда инвестициялар жалб қилиш бўйича энг жозибадор ҳудудлардан бири сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлайди.

— Кейинги йилларда саноат тез ривожланмоқда. Аммо бу экологик барқарорлик билан уйғун бўлиши ҳам муҳим. Вилоятда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш бўйича қандай ишлар қилиняпти?

— Бугунги кунда иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик бир-бирини тўлдирувчи муҳим омиллар ҳисобланади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган “яшил тараққиёт” сиёсати доирасида Наманган вилоятида ҳам “яшил иқтисодиёт” тамойилларини ҳаётга келтириш таъбири бўйича тизимли ишлар олиб бoрилмақда.

Аввало, янги саноат лойиҳаларини амалга таътибқ этишда экологик талабларга қатъий риоя қилиш асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Замонавий, энергия тежовчи ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиётган корхоналарга устуворлик бeриляпти. Бу эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга таъсири камайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ҳам кенгаймоқда. Қуёш энергетикаси, энергиятежамкор ускуналардан фойдаланиш, давлат муассасалари ва ишлаб чиқариш объектларида энергия самардорлигини ошириш бўйича аниқ дастурлар амалга оширилмоқда.

Экологик барқарорликни таъминлашда кўламаздорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида вилоятимизда миллионлаб даракт ва буталар экилиб, янги яшил ҳудудлар ташкил этиляпти. Бу нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки иқлим ўзгариши таъсиридан юмшатиш ва аҳоли учун соғлом яшаш муҳитини яратишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш каби йўналишлар ҳам доимий эътиборимиз марказида турибди. Иқтисодий тараққиётнинг ҳаққий самараси фақат ишлаб чиқариш ҳамжи билан эмас, балки инсон саломатлиги, тоза атроф-муҳит ва келажак авлодлар учун сақлаб қолинадиган табиий бойликлар билан ўлчанади. Шу боис, Наманганда ҳар бир янги инвестиция ва ҳар бир янги саноат лойиҳаси иқтисодий манфаат билан бир қаторда экологик масъулият тамойили асосида амалга оширилишига қатъий эътибор қаратамиз.

— Сиз, ҳоким сифатида қайси соҳада қарорлар қабул қилишда қийналасиз? Шундай вазиятларда қандай тамойилга таянасиз?

— Ҳокимлик фаолиятида осон қарорнинг ўзи бўлмайди. Чунки ҳар бир қарор минглаб инсонларнинг ҳаёти, турмуш сифати ва келажига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун энг қийин қарорлар, одатда, аҳоли манфаати билан иқтисодий эҳтиёжлар ўртасида мувозанатни таъминлаш талаб этиладиган масалаларда қабул қилинади.

Масалан, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шаҳарсозлик ва инфратузилмани ривожлантириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ёки бюджет маблағларини устувор йўналишларга тақсимлаш каби қарорлар чуқур таҳлил ва катта масъулиятни

талаб қилади. Бу жараёнда бир томоннинг манфаатини эмас, балки бутун жамият манфаатини ҳисобга олиш муҳим.

Мен учун қарор қабул қилишда энг асосий тамойил — қонунийлик, адолат ва инсон манфаатидир. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Инсон қадрини учун” деган эзгу гоё нафақат давлат сиёсатининг, балки ҳар бир раҳбарнинг кундалик фаолияти учун ҳам бош мезон бўлиши керак. Агар қабул қилинаётган қарор одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, янги имкониятлар яратишга ва ҳудуднинг барқарор ривожланишига хизмат қилса, демак, бу тўғри қарор ҳисобланади.

Шу билан бирга, қарорлар яқка тартибда эмас, балки мутахассислар хулосаси, жамоатчилик фикри, тадбиркорлар ва фуқароларнинг тақлифлари асосида шакллантирилишига алоҳида аҳамият бeраимиз. Бугунги замон раҳбардан нафақат талабчанлик, балки очиқ мулоқот, халқни эшитиш ва асосли қарор қабул қилиш маданиятини ҳам талаб этади.

Мен доимо бир фикрга амал қиламан: раҳбарнинг энг катта мезони — халқ ишончи. Ана шу ишончини оқлаш, ҳар бир қарорда адолат ва масъулиятни устувор қўйиш мен учун энг муҳим вазифадир. Зеро, бугун қабул қилаётган қарорларимиз фақат бугунги кун эмас, балки Наманганнинг эртанги тараққиётини ҳам белгилаб бeради.

Эксклюзив саволлар

— Агар бугун Наманган ёшларига битта асосий маслаҳат бeриш имконияти бўлса, уларга нима деган бўлардингиз?

— Биламан, жуда кўп такрорланади, лекин бу ҳақиқат: ўн йил олдин бугунги ёшлар учун яратилган имкониятларнинг ярами ҳам йўқ эди. Шу боис, уларга ҳавас қиламан, жавлон уриб ишлаш, ўқиш учун ҳамма шароит бор. Нима дердим, ўзингизга ишонинг, билим олошдан ва янгиллик яратишдан ҳеч қачон тўхтаманг. Катта орзу қилинг, катта мақсадлар қўйинг ва уларга еришиш учун тинмай меҳнат қилинг. Чунки янги Ўзбекистоннинг эртанги кунини, Наманганнинг келажиги айнан сизларнинг билимингиз, ғайратингиз ва фидойилигингизга боғлиқ.

Бугунги дунёда энг катта бойлик бу — билим, касб-хунар ва замонавий кўникмалар. Табиий ресурслар чекланган бўлиши мумкин, аммо инсоннинг билими, тафаккури ва салоҳиятининг чегараси йўқ. Шунинг учун ҳар бир ёш чет тилларини ўрганишга, рақамли технологияларни эгаллашга, замонавий касб-хунар соҳиб бўлишга ва доимий ўз устиди ишлашга интилиши керак.

Мен Наманган ёшларида катта салоҳиятни кўраман. Улар ташаббускор, меҳнатсевар ва ўз олдига катта мақсадлар қўя олади. Бугун давлатимиз томонидан таълим, тадбиркорлик, инновация ва ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳар бир ёшнинг энг муҳим вазифасидир.

Яна бир муҳим жиҳат — Ватанга муҳаббат. Ватанин севиш фақат оҳорли жумалар билан эмас, балки ҳалол меҳнат, юксак масъулият ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиш орқали намoён бўлади. Ким қайси соҳада фаолият юритмасин, агар у ўз ишини сидқидилдан бажарса, юртимиз тараққиётига мунoси ҳисса қўшган бўлади.

— Вилоятдаги қайси масала сизни энг кўп хавотирга солади?

— Ҳар бир раҳбар учун энг катта масъулият бу — одамларнинг дарди ва муаммосини ҳис қилиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш. Шу маънода, мени энг кўп ўйлантирадиган ва доимий эътиборимда бўлган масала, бу аҳоли, айниқса, ёшлар учун муносоиб иш ўринлари яратиш, уларнинг даромадларини ошириш ва фаровон ҳаёт шароитларини таъминлашдир.

Наманган аҳолиси меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги ва яратувчанлиги билан ажралиб туради. Бизда катта инсон капитали ва улкан салоҳият бор. Эндиги вазифа — ана шу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир оилга барқарор даромад манбасини яратиш учун янги имкониятлар эшитини очишдан иборат.

Шу билан бирга, жадал ривожланиш жараёнида сифатли таълим, замонавий табиий хизматлар, ичимлик сув, йўл ва коммунал инфратузилма каби аҳоли кундалик ҳаётига бевосита таъсир қиладиган масалалар ҳам доимий назоратимизда. Чунки иқтисодий ўсишнинг асосий мақсади — статистикани эмас, аввало, инсонлар ҳаётини яхшилашдир.

Албатта, муаммолар йўқ эмас. Лекин энг муҳими, уларни очиқ тан олиш, халқ билан бирга ечим излаш ва натижа учун масъулиятни зиммамизга юкляшдир. Биз ҳар бир масалани “одамлар бугун қандай яшашпти, эртага қандай яшаш керак?” деган савол асосида баҳолаймиз. Чунки ҳокимлик фаолиятининг бош мезони, бу аҳолининг ишончи ва розилигидир.

— Ҳоким сифатида ҳали ечимни топилмаган қайси муаммони ўзингиз учун энг катта вазифа деб биласиз?

— Ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш жараёнида ечимини кутаётган масалалар бўлади. Раҳбар учун энг муҳими муаммони тўғри белгилаш, сабабларини чуқур ўрганиш ва босқичма-босқич ҳал этиш. Мен ўзим учун энг катта вазифалардан бири сифатида аҳоли муносоиб даромад манбалари яратиш, меҳнат бозори талабларига мос янги иш ўринларини кўпайтириш ва инсонларнинг ҳаёт сифатини янада яхшилаш масаласини белгиланган бўлар эдим. Чунки ҳар қандай ислохотнинг энг катта самараси бу — оиладаги фаровонлик, инсоннинг ўз меҳнати билан муносоиб ҳаёт кечира олишида намoён бўлади.

Шаҳар ва қишлоқларимизда инфратузилмани янада яхшилаш, аҳолига зарур коммунал хизматлар кўрсатиш, таълим ва табиийёт соҳаларида сифат кўрсаткичларини ошириш ҳам доимий эътиборимизда. Чунки ҳудуд тараққиётини фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаётдаги ўзгаришлар билан баҳолашди.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз халқ билан очиқ мулоқотга, жамоатчилик фикрига ва аниқ таҳлилларга таянамиз. Ҳар бир туман ва маҳалладаги муаммонинг аниқ манзили, масъули ва ечими бўлиши керак деган тамойил асосида ишлятимиз. Наманганнинг энг катта бойлиги — унинг одамлари. Шунинг учун барча саяй-ҳаракатларимизни инсон қадрини ва халқ фаровонлигига қаратиб давом эттирамиз.

— Президентимиз ташрифидан кейин шахсан ўз иш услубингизда нималарни ўзгартирдингиз?

— Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи давомиди билдирилган фикрлар, берилган топшириқлар ва белгиланган устувор йўналишлар биз учун фаолиятимизни янада тақомиллаштиришга катта туртки бўлди. Шахсан мен ўз иш услубимда, аввало, масалаларга янада чуқуროқ таҳлил ва натижалдорлик нуктаи назаридан ёндашишни қучайтирдим. Илгари ҳам халқ билан мулоқот, жойларга чиқиб ўрганиш асосий иш услубим эди. Бугун эса ҳар бир қарорнинг аниқ натижаси, ҳар бир лойиҳанинг одамлар ҳаётига таъсири ва ҳар бир топшириқнинг ижроси бўйича янада қатъий талаб қўйяпмиз.

Шунингдек, раҳбарлик услубида жамоа билан ишлашнинг аҳамиятини янада оширдик. Чунки бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган шароитда биргина раҳбарнинг қарори эмас, балки малакали мутахассислар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ва жамоатчиликнинг фикри уйғунлашган ҳолдагина самарали натижа бeради. Президентимиз доимо таъкидлаб келётганидек, раҳбарнинг асосий вазифаси халққа хизмат қилиш, одамларни рози этиш ва натижа кўрсатишдир. Шу нуктаи назардан, мен ҳам ўз фаолиятимда “қанча иш қилинди?” деган савол билан бирга “бу иш ўзи одамларга қандай наф берди?” деган мезонни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қиламан.

Бугунги кунда асосий мақсадимиз, берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, Наманган вилоятини янада тараққий этган, аҳолиси фаровон ва инвестициявий салоҳияти юқори ҳудудга айлантиришдир. Бу йўлда эса доимий изланиш, масъулият ва халқ ишончига муносоиб бўлиш биз учун энг муҳим мезон бўлиб қолади.

— Шавкат Шокиржонович, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

ЭЛ ДАСТУРЖОНИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН КАТТА ТАШАББУС



Муносабат

Халқимиз азалдан қўйни барака тимсоли деб билган. Хонадониди қўй-қўзиси кўпайган инсоннинг рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлади деган тушунча авлоддан авлодга ўтиб келган.



Аъзамжон УСМОНОВ,
“Наманган қўйчилик кластери”
МЧЖ таъсисчиси

Мен ҳам қишлоқ муҳтида улғайган инсон сифатида бу соҳанинг қадрини, машаққати ва баракасини яхши биламан. Шу боис, анъанавий қўйчиликни замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, уни катта ишлаб чиқариш тизимига айлантиришни мақсад қилдик.

2026 йили Тўрақўрғон тумани Кумидон қишлоғидаги 10 гектар ерда иш бошладик. Бугун 5 гектар майдонда қурилиш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, 15 минг бош қўй замонавий талаблар асосида парваришланмоқда. Кластерда 100 га яқин юртдошимиз меҳнат қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига асосий турдаги маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериш ва аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда “Наманган қўйчилик кластери” лойиҳасини амалга оширямиз.

Ушбу ташаббус Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар асосида йўлга қўйилди.

2026 йили Тўрақўрғон тумани Кумидон қишлоғидаги 10 гектар ерда иш бошладик. Бугун 5 гектар майдонда қурилиш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, 15 минг бош қўй замонавий талаблар асосида парваришланмоқда. Кластерда 100 га яқин юртдошимиз меҳнат қилмоқда.

Биз учун асосий мақсад чорва сонини эмас, маҳсулдорлик ва сифатни оширишдир. Шунинг учун Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикасидан юқори маҳсулдор



Наманган Ўзбекистоннинг гидроэнергетика имкониятлари юқори вилоятларидан бири. Фарғона водийси шимолидаги ушбу ҳудуд тез оқувчи дарё ва йирик каналларга эга. Норин дарёси, Косонсой, Чодаксой, Катта Фарғона каналлари ҳамда бошқа ирригация тармоқлари гидроэнергетиканинг асосий манбаидир.



Жавлонбек МАМАТОВ,
“Ўзэнергоинспекция” Наманган
вилоят ҳудудий бошқармаси
бош мутахассиси

Сирдарёнинг энг йирик тармоқларидан бири бўлган Норин дарёси эса вилоят гидроэнергетикасининг стратегик таянч нуқтаси сифатида катта аҳамият касб этади. Қолаверса, дарё ва унга туташ сув тизимлари юртимиздаги муҳим “яшил” энергия марказларидан бирига айланган. Бунинг учун кейинги йилларда йирик лойиҳалар амалга оширилди. Охириги ўн йил вилоятдаги бошқа соҳалар қатори “яшил” энергетика, хусусан, гидроэнергетика тармоғида ҳам катта ислоҳот ва натижалар даври бўлди.

Бу қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг бир қисми бўлиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, электр ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, энергия тежамкорлигини таъминлаш ва экологик барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Айни йўналишдаги йирик инвестицион лойиҳалар сони ва кўлами эса анча катта. Вилоят бўйлаб янги гидроэлектр станциялар қурилиши, кичик ГЭСлар тармоғини кенгайтириш орқали энергетик имкониятлар изчил оширилмоқда.

Биринчи миллий ГЭС

Наманганда йирик, ўрта ва кичик ГЭСлар қуриш учун табиий имкониятлар жуда юқори. Бугунги кунда шу имкониятлардан кенг фойдаланилиб, гидроэнергетик инфратузилмани ривожлантириш, янги ГЭСлар қуриш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Вилоятдаги биринчи кичик ГЭСлар каскади 2019 йилда ишга туширилган. Ўшанда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Катта Фарғона каналида ҳар бирининг қуввати 6 мегаваттдан бўлган иккита кичик ГЭС қурилиб, фойдаланишга топширилган. Мазкур қувватлар йилга 72 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

2021-2022 йиллар давомида умумий қуввати 1 мегаватт бўлган яна 3 та микроГЭС ишга туширилди. Янгиарик микроГЭС Европанинг гранд маблаглари ҳисобига қурилди. Айни пайтда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан Норин дарёсида 6 та ГЭСдан иборат йирик каскад қурилмоқда. Ушбу стратегик лойиҳанинг умумий қиймати 428 миллион доллардан ортиқ бўлиб, жами қуввати 228 мегаваттни ташкил этади. Лойиҳа ишга тушгач, йилга қарийб 1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса 430 мингдан зиёд хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, йилга қарийб 300 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилиб, иқтисодиёт учун 300 миллиард сўмлик қўшимча самара яратилади.

Янги қувватлар

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Норин ГЭСлар каскади мамлакат гидроэнергетикаси тарихида илк бор маҳаллий технологиялар ва миллий ускуналар асосида барпо этилмоқда. Шу маънода, у биринчи

соҳада янги босқични бошлаб берди. Қарор асосида республикада, жумладан, Наманган вилоятида 2026-2032 йилларда янги гидроэнергетик қувватларини ишга тушириш, энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва

“ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ САЛОҲИЯТИ: КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР



миллий ГЭСдир. Биринчи босқичда ишга туширилган ГЭС-1нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 171 миллион киловатт-соатни ташкил этади. Ушбу станцияда 130 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 1 майдаги “Гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

“яшил иқтисодиёт” улушини кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Жорий йилда Норин дарёсида барпо этилаётган Норин ГЭСлар каскади доирасида қуввати 38 мегаватт бўлган Норин ГЭС-2 ҳамда Катта Андижон каналлида умумий қуввати 23 мегаватт бўлган кичик ГЭСлар каскадини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Натижада вилоятда жами 61

мегаватт янги энергия қуввати яратилади. Кейинги йилларда эса Норин ГЭСлар каскадининг қолган станцияларини ишга тушириш ҳисобига яна 152 мегаватт қувват қўшилиди.

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг стратегик ривожланиш дастурига мувофиқ, 2032 йилда Наманган вилоятида ГЭСлар сони 16 тага, қуввати 283 мегаваттга, йиллик ишлаб чиқариш эса 1,4 миллиард киловатт-соатга етказилади. Лойиҳада

замонавий илғор технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон гидроэнергетикаси тарихида биринчи марта горизонтал капсула шаклидаги гидроагрегатлар жорий этилди. Бу ускуналар кичик босим шароитида ҳам юқори самарадорлик билан ишлаши ва энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши билан аҳамиятлидир. Мазкур технология миллий гидроэнергетика

экспорт қиймати эса 88,8 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2026 йил январь-май ойларида экспорт қиймати 90,8 миллиард сўмга етди. Ишлаб чиқариш қуввати ҳам йил сайин ошиб бораётти. 2025 йилда 25,6 миллион тона тухум етиштирилган бўлса, 2026 йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 22 миллион донга етди. Шундан салкам 10 миллион донаси Тожикистон, Қозоғистон ва Афғонистонга экспорт қилинди.

Бу оддий рақамлар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо битта корхонанинг ривожланиб, ишлаб чиқариш қувватининг ошиши — қўшимча иш ўринлари, нарх-наво барқарорлиги, ҳудуд тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса дегани. Бугун 200 га яқин ишчи шу ерда меҳнат қилиб, рўзгор тебратяпти.

Президентимиз қорхонамиз фаолияти билан яқиндан танишиш давомида қўшимча 121,1 гектарда 40 та паррандачилик мажмуаси ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Жумладан, Косонсой туманида 19,9 гектар, Наманган туманида 5,5 гектар, Поппа 45 гектар, Чустда 3,4 гектар, Чортоқда 5,9 гектар, Янгиқўрғонда 36,9 гектар ҳамда Янги Наманган туманида 5 гектар майдонда паррандачилик лойиҳалари амалга оширилади. Улар доирасида 120 минг бош насли парранда парваришланади, 800 та янги иш ўрни очилади. Йилга 18 миллион долларлик тухум ва гўшт маҳсулотлари экспорт қилинади, 13,5 минг тонна парранда гўшти етиштирилади.

Шунингдек, 20 миллион дон тухум очирish қувватига эга инкубатория ҳам қурилади. Умумий 40 та паррандачилик мажмуасида 4 миллион бош бройлер боқиш тизими барпо этилади. Германиялик ҳамкорлар иштирокида алоҳида фирма ташкил этилиб, 100 минг бош она товуқ парваришлаш ҳамда водийдаги паррандачилик корхоналарига жўжа етказиб бериш ҳам кўзланган. Бу орқали яхлит саноат занжирини йўлга қўйилади. Бу орқали нафақат Наманган, балки бутун Фарғона водийси бозорлигида парранда гўшти ҳамда тухум нархи барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўйишни мақсад қилганмиз.




Одилжон РАҲМАТОВ,
“Ўйчи парранда” МЧЖ таъсисчиси

Ҳар бири 100 минг бош паррандага мўлжалланган комплексларда бройлерлар 45-50 кун парваришланади ва 120 тонна гўшт тайёр маҳсулот сифатида етказиб берилади. Шу тариқа ички бозорда ушбу маҳсулотларга талабни қондириш ва импорт ўрнини босиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришилмоқда.

Шулар ҳисобига 2025 йилда қорхонанинг айланма маблаг 206,1 миллиард сўм,





Қадрият

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Наманганликлар учун гул ва гулчилик шунчаки кундалик машғулот ёки ҳовли кўрки эмас, ҳаётнинг чинакам мазмунини, ота-боболардан мерос қалб эҳтиёжидир. Бугунги кунга келиб эса бу гўзал анъана юртимиз сарҳадларидан ошиб, Наманганни дунёга танитадиган “ташриф қоғози”га айланиб улгурди.

Наздимда, гул — тинчлик ва фаровонлик тимсоли. Эндиликда у даромад манбаи ҳамда тадбиркорлик соҳаларидан бири ҳам. Гуллар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр кечмишдаги аксарият ширин хотиралар ёдга тушаверади.

Университетни битириб, тахририятга мухбир бўлиб янги ишга кирган даврим. Аниқроғи, ролпа-роса қирқ йил аввал 8 март куни. Ҳамма жойдаги каби бу даргоҳда ҳам жамоадаги эркаклар ҳамкасб аёл-қизларини баҳор байрами билан табриклади. Уларга совға сифатида чойнакниёла улашилди. Бу кўпчиликка маъқул келди. Аммо менга... Ҳали Тошкент ҳаёлидран узоклашмаган, байрам ва тутилган кунларда гул олишга ўрганган қиз учун бу жуда эриш туюлди. Балки шу сабаб бўлибми, Наманган шаҳридаги ягона гул дўкони, Чорсудаги гул бозори, шаҳар ободонлаштириш ташкилотидидаги иссиқхона фаолияти ҳақида мақола ёзиш истаги тугилди. Эринмай бориб, мута-саддилар билан гаплашиб, нихоят март ойи охириларида “Наманган ҳақиқати” газетасининг 1-саҳифасида “Энг яхши совға” сарлавҳали таҳлилий мақолам чиқди.

Уша даврда сиёсат, қишлоқ хўжалиги ва саноат учун мўлжалланган бирин-



Рисликхон МАЖНУОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

ди. Лекин бу таъриф йилда бир маротаба богда гул байрами ўтказиш ҳамда ерга, гулхоналарга гуллар экиш билангина чекланарди. Гул дўконлари деярли йўқ, бозордагилари эса қиммат эди. Қолаверса, тутилган кун, тўй ва бошқа маросимларга гулдаста кўтариб бориш одат эмасди.

Ана энди мендаги ғайратни кўринг. Газетанинг деярли кетма-кет

Орадан йиллар ўтди. Наманганда ҳар доимгидек узлуксиз гуллар фестивали ўтказиб келинди. Бу анъана фақат пандемия авжига чиққан 2020 йилдагина танаффус қилди, холос.

Бундан 12 йиллар аввал. Шаҳардаги атиргуллар олиб ташланиб, ўрнига бир қарашда гултожхўрозга, бир қарашда мажидўтга ўхшаш, одам бўйи келадиган қизил тусли ўсимликлар, кейин эса кимёга йўғрилган яшил газонлар экиш урфга кирди. Бинолар олдида петуния каби гибрид, иссиққа чидамсиз гул кўчатларини экиш бошланди. Аммо димоғлар мусаффо атиргул ифориини тезда соғинди. Одамлар атиргулларнинг бетакрор ранги ва гўзаллигини қўмсай бошлади. Кузатишлар хулосаси асосида “Наманган ҳақиқати”нинг 2014 йил сентябрь ойи сонларидан бирида “Атиргулларга қайтсак-чи...” сарлавҳали мақолам чоп этилди. У ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Баҳорда жойларда яна атиргуллар экиш бошланди. Жумладан, ўзимиз ҳам ўшанда ҳовлимизга юз тупга яқин атиргул кўчати ўтқаздик. Бу анъана ҳамон давом этипти. Кўчаларда, йўл четларида гуллаб ётган хилма-хил атиргулларни кўриб, ич-ичимдан суюнаман. Янги барпо этилаётган гулзорлардаги атиргулларнинг ҳусну тароватидан кўзларим яшнаб, дилим яйраб кетади. Масалан, Наманган шаҳри Курашхона даҳасидаги кўчалардан бирининг икки томонига фақат атиргуллар экилгани таҳсинга сазовор. Ҳар кунни шу кўчадан ўтар эканман, яқин

Баҳорда жойларда яна атиргуллар экиш бошланди. Жумладан, ўзимиз ҳам ўшанда ҳовлимизга юз тупга яқин атиргул кўчати ўтқаздик. Бу анъана ҳамон давом этипти. Кўчаларда, йўл четларида гуллаб ётган хилма-хил атиргулларни кўриб, ич-ичимдан суюнаман. Янги барпо этилаётган гулзорлардаги атиргулларнинг ҳусну тароватидан кўзларим яшнаб, дилим яйраб кетади.



чи саҳифада совғага табиий гул тақдим этиш масаласи кўтарилиши кутилмаган чиқиш эди. Мақолани босишга рухсат бериб қўйиб, кейин озроқ хавотирланган раҳматли бош муҳарриримизни киефаси ҳалигача кўз олдимда.

Эртаси кунни вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот ходимлари сиёсий маориф уйига вилоят маъсуллари билан учрашувга чақирилди.

Зал одамга тўла эди. Уша даврдаги вилоят саркоитиби жуда нотик, сўзга уста инсон экан. Унинг адабиётдан хабардорлиги, ҳатто нутқи орасида Умар Хайём рубойларидан ўқигани ҳануз эсимда. Гапирётим, сўзини бирдангига “Наманган ҳақиқати”нинг кечаги сонига ўқигани — “Энг яхши совға” мақола-сига бурди. Дастлаб унча тушуна олмадим. Кейин залга қараб: “Мажнунова ким?” деганда, орқароқда ўтирган бош муҳарриримизнинг “Туриг, туриг...” деганидан сўнг сал ўзимга келдим. Узоқдан менга назари тушган раҳбар мақола учун раҳмат айтиди, сўнг жойимга ўтирдим. Кейин у байрам, совға ва гуллар ҳақида яна анча гапирди...

Уша дақиқаларда мендан хурсанд одам йўқ эди. Бир баҳона сабаб ётган мақолам шунчалик эътиборга тушишини тасаввур қилмаган эдим. Тўғри, Наманган ўшанда ҳам гуллар шаҳри дейилар-



дугонанинг: “Ана сенинг атиргулларинг”, дея тақдорлаши шунчаки ҳазил бўлса-да, кўнглимни осмон қадар кўтариб юборади.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз улкан ислохотларни бошидан кечирмоқда. Жумладан, туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Энг қувонарлиси, туризм тараққиётида гулчилик ҳам ўзига хос соҳа сифатида қулоқ ёзди. Дунё тараққиёт сари кескин одимлаётган Наманганни гуллари билан танимоқда.

Бугунги кунда вилоятда гуллар фестивали ҳар йили буткул бошқача руҳда ўтказилаётганини, ободонлаштиришга, гулчилик ва гўзалликка эътибор юқори даражага кўтарилганини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, Наманганнинг бу борада Гиннесснинг рекордлар китобига муҳрланиши катта тарихий воқеа, хушхабар бўлди. Бу мен каби минглаб гул шайдоларига ҳаммиша фахр бағишлайди.



Бир ўлкаки...

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантирилмоқда. Хусусан, Наманган вилоятининг киефаси ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ҳам сайёҳлик нуқталарининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ: “ARASHAN RESORT” дан “СОҲИЛБЎЙИ” гача



Илҳомжон РАҲМАТОВ,
Наманган вилояти ҳокимининг
матбуот котиби — ахборот сиёсати
масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сўнгги йилларда ҳудуднинг янги туризм харитаси шаклланди. Бунда вилоятда инфратузилмани модернизация қилиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги изчил чора-тадбирлар ҳал қилувчи омилга айланди. Илгари асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги маркази сифатида танилган ушбу ҳудуд бугун маданий-тарихий, рекреацион, тиббиёт, эко ва агротуризмнинг йирик ҳамда кўп тармоқли марказларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Наманган вилояти таркибидаги 14 та шаҳар-туманнинг 6 таси тоғолди ҳудудда жойлашган.



Йилнинг тўрт фасли ҳам гўзал бўладиган бу жойларда экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият бор. Кейинги йилларда вилоятда ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Поп туманида туризмни ривожлантириш учун кенг имконият мавжуд. Ҳозир ана шу табиий бойлик — бетакрор ва мафтункор табиатдан унумли фойдаланган ҳолда хорижлик сайёҳлар оқимини ошириш чораси кўрилмоқда. Хусусан, Арашан кўлар тизими атрофида барпо этилаётган “Arashan Resort” мажмуаси ана шундай истиқболли лойиҳалардан. Жами қиймати 150 миллион доллар бўлган лойиҳа 600 гектар майдонда ташкил қилинади. Замонавий туризм инфратузилмасига эга йирик дам олиш ва саёҳат марказига айланади. Бу йил Наврўз умумхалқ байрами арафасида тамал тоши қўйилган лойиҳа тўлиқ ишга туширилгандан сўнг кунига 2500 сайёҳни қабул қилиш, йилга 912 минг туристага хизмат кўрсатиш, 2000 дан ортиқ янги иш ўрни очиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида экологик туризм зоналари, экстремал ва тоғ туризми инфратузилмалари, гастрономик туризм марказлари, саёҳат ва маданий дам олиш масканлари, рекреацион ва соғломлаштириш ҳудудлари ташкил этилади. Бу ерда тематик парклар, тоғ чангиси

комплекслари, зиплайн, ресторан ва кафелар, очик осмон остидаги кинотеатр, экобозор, болалар майдончалари, спорт майдонлари ҳамда термал сув бассейнларини барпо этиш режалаштирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, маъмур лойиҳа Япониянинг нуфузли “NGEA — Nippon Global Education and Assessment” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бу эса мажмуанинг халқаро стандартлар асосида барпо этилишига хизмат қилади.

Бугун Наманган вилоятида тадбиркорлик, кичик саноат тараққиёти баробарида ички ва ташқи туризмни етакчи тармоққа айлантириш ҳаракати изчил кетаяпти. Жумладан, 2020 йилда вилоятда 4600 хорижлик сайёҳ келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 510 мингга етди. Ўз навбатида, туризм хизмати экспорти қиймати 1,82 миллион доллардан 190,8 миллион долларга ошди ёки 105 баробар ўсди. 2024 йилда Фарғона водийсида илк маротаба 2 та қишлоқ — Нанай ҳамда Чодакка “Туризм қишлоғи” мақоми берилди. Вилоятда туристларнинг ўртача қолиш муддати 1,5 кундан 3-5 кунга узайди.

Жорий йилга келиб бу рақамлар янада ортганини кузатиш мумкин. Ҳўш, бунинг боши омили нимада деган саволга, энг аввало, экотуризм дея жавоб берсак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Биргина мисол: Наманган брендида айланган гуллар фестивали.

Президентимиз кўп таъкидлаганидек, “Тинчлик ҳукм сурган, қонун устувор бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланган жойга инвестиция ҳам келади, бу ерда туризм ҳам ривожланади”. Наманган ва наманганликлар 65-халқаро гуллар фестивали доирасида бу сўзларнинг нақадар ҳаётий эканига яна бир қарра гувоҳ бўлди. Мавзуга киришишдан аввал

одамлар қўшимча 300 миллиард сўм даромадга эга бўлди. Умумий овқатланиш, транспорт, меҳмонхона, хунарамчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 100 мингга яқин юртдошимиз мавсумий иш билан таъминланди. Демак, ушбу фестиваль нафақат туризм ривожини, балки иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлиги учун ҳам муҳим манбага айланди.

Бугун сайёҳлик оммалашиб бораётган бир вақтда туризм объектларини янада кенгайтириш зарурати ҳам бор. Шу маънода, вилоятда режалаштирилаётган янги лойиҳаларнинг аксарияти туризм билан боғланаётгани ҳам бежиз эмас.

Намангандан ўтган Норин дарёси ҳамда шу ердан бошланадиган Сирдарё қирғоқларида “Соҳилбўйи” туризми шаклланимоқда. Тўрақўрғон туманида яқинда иш бошлаган “Ахсикент соҳили” МЧЖ томонидан 7 гектар майдонда лойиҳа қиймати 20 миллиард сўм бўлган, бир кунда 2000 кишини қабул қила оладиган гастрономик ҳудуд ташкил этилди. Сирдарё бўйидаги ушбу маскан ҳар кунни дам олувчилар билан гавжум. Айниқса, дарёда сайр қилиш учун ажратилган қайқалар хизматидан фойдаланувчилар кўп. Шундай манзилларни Норин, Уйчи, Наманган туманларида ҳам барпо этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Яна бир йўналиш — Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуасининг “очик осмон остидаги музей”га айлантириш концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳозир қурилиш ишлари бошланган. Бунинг эвазига мажмуага келадиган сайёҳлар сони 10 баробар ортиб, йилга 50 мингдан 500 минггача етди ҳамда 200 та янги иш ўрни очиш имкони пайдо бўлади. Жадал ривожланиш дастури доирасида бугун янгича қиёфа касб этиб бораётган Чортоқ туманида дунёга машҳур маъдани сув имкониятидан оқилана фойдаланиш чораси кўрилмоқда. Санаторийлар маскани сифатида бутун Осиё, қолаверса, МДХ давлатларида танилган Чортоқда айна вақтда яна 4 та йирик 840 ўринли сиҳаттоҳ фаолиятини йўлга қўйилмоқда.

Албатта, вилоятга келадиган меҳмонларга муносиб шароит яратиш бериш ҳам зарур. 2025 йилда 2 та 150 ўринли меҳмонхона, 3 та 60 ўринли хостел, 10 та 100 ўринли оилавий меҳмон уйи ташкил этилиб, улардаги жами ўринлар сони 11 мингга етказилди. Вилоят маркази, айниқса, Янги Наманган шаҳарчасида замонавий меҳмонхоналар қуриш ишлари изчил давом этмоқда. Кўни кеча Янги Наманган шаҳарчасида умумий қиймати 114 миллиард сўмлик 310 ўринли замонавий 4 юлдузли яна бир меҳмонхона қурилишига старт берилди. Халқаро меъморий ёчимлар асосида барпо этиладиган маъмур меҳмонхона замонавий хоналар, ресторан, конференция заллари, фитнес маркази, бассейн ҳамда бошқа сервисларни қамраб олади. Лойиҳа маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар учун юқори даражадаги қўлайликларни таъминлаш билан бирга туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Наманганда имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида амалга оширилаётган бундай лойиҳаларга яна ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг барчаси вилоятнинг туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, соҳада янги иқтисодий ўсish нуқталарини шакллантириш ва хизматлар сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада яқин 2-3 йилда туризм хизматлари экспортини 300 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Маъмур натижага эришиш нафақат туризм тармоғининг, балки вилоят иқтисодиётининг умумий ўсishини, янги иш ўринлари очилиши, аҳоли бандлиги таъминлини ва даромади ошишига бевосита таъсир кўрсатади.

Бугун бошланган ана шундай ислохотлар ва амалий лойиҳалар туфайли яқин истиқболда Наманган нафақат мамлакат, балки минтақанинг ҳам энг жозибадор сайёҳлик масканларидан бирига айланиши шубҳасиз.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-846.
29345 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 20:41 Топширилди — 23:20